

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛАЙМОНОВ ОТАБЕК АБДУШУКИРОВИЧ

**ОҚҚАНОТ (ALEYRODIDAE) БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА БИОЦЕНОЗДА
ХЎЖАЙИН-ЭНТОМОФАГ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Сулаймонов Отабек Абдушукирович

Оққанот (Aleyrodidae) биоэкологияси ва биоценозда хўжайин-
энтомофаг муносабатларининг шаклланиши..... 3

Сулайманов Отабек Абдушукирович

Белокрылки (Aleyrodidae) биоэкология и формирование
взаимоотношений хозяин-энтомофаг в биоценозах..... 19

Sulaymanov Otabek Abdushukirovich

Whitefly (Aleyrodidae) bioecology and the formation of host-entomophage
relations in the biocenosis..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publication works..... 38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛАЙМОНОВ ОТАБЕК АБДУШУКИРОВИЧ

**ОҚҚАНОТ (ALEYRODIDAE) БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА БИОЦЕНОЗДА
ХЎЖАЙИН-ЭНТОМОФАГ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx73 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Кимсанбоев Хўжамурод Ҳамракулович биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Хўжаев Шомил Турсунович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Бобобеков Қаландар Бобобекович биология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий -тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «23» ноябрь, соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№43574 -рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. ТошДАУ АРМ биноси, 1-қават. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60.

Диссертация автореферати 2017 йил «10» ноябрда тарқатилди.
(2017 йил «3» ноябрдаги 12/2 рақамли реестр баённомаси)

Ш.Э.Номозов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, к.х.ф.д., профессор

Я.Х. Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сабзавот ва полиз экинлари етиштириш жараёнида турли зараркунанда ҳашаротлар, хусусан оққанотлар (Aleyrodidae) ҳосилдорликка катта зарар келтирмоқда. Хусусан, оққанотлар таъсирида сабзавот ва полиз экинлари ҳосилнинг 65-70% қисми нобуд бўлиши аниқланган¹. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари келтириб чиқарадиган биозарарланишларни аниқлаш, уларни олдини олиш ва қарши кураш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда етакчи мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишида озиқ-овқат ҳавфсизлиги муҳим ўрин тутиб, сабзавот ва полиз экинлари зараркунандалари биоэкология ва улар миқдорини бошқаришда биологик воситаларни қўллашга доир тадқиқотларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда сабзавот ва полиз экинларининг барча турлари учун ҳавfli заракунанда бўлган ва кенг тарқалган иссиқхона оққаноти (*Trialeurodes vaporariorum* West.), ғўза оққаноти (*Bemisia tabaci* Genn), цитрус оққаноти (*Dialeurodes citri* A.) алоҳида ўринни эгаллайди. Турли агроценозларда уларнинг биологик ва экологик хусусиятлари ҳамда табиий энтомофаглари тур таркибини аниқлаш Республикамизда уларга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишга имкон беради. Шунга кўра, оққанот турларининг кўпайиши, ривожланиши, экологик хусусиятлари, биологик потенциалини турли популяциялари ва агробиоценозларда тарқалиши асосида исботлаш, сабзавот-полиз экинлари биологик фаолиятига оққанот турларининг таъсирини аниқлаш, уларнинг асосий паразит-энтомофаглари тур таркиби ва оққанот популяцияси миқдорини бошқаришда самарали энтомофагларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш ҳамда амалиётга жорий қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамиз мустақилликка эришгач қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кенг қўламли ислохотлар олиб борилиб, бу борада, айниқса, сабзавот ва полиз экинлари зараркунандалардан химоялашга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, оққанот турларини сабзавот ва полиз экинларига таъсири ва уларга қарши инсектицидлар қўллаш борасида муайян натижаларга эришилди. Шунингдек, оққанот турларини турли худуд агробиоценозлардаги популяцияларини аниқлаш, уларга қарши янги биологик кураш усулларини ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқот ишларига етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, касаллик ва заракунандаларга чидамли навларни ишлаб чиқариш»га жорий этиш белгилаб берилган. Бу йўналишда, жумладан, оққанот турларини сабзавот ва полиз экинларига таъсирини баҳолаш, улар паразит-энтомофагларини

¹ Fasulo T. R. and Weems H.V. Citrus Whitefly, *Dialeurodes citri* (Ashmead) (Insecta: Hemiptera: Aleyrodidae). USA. IFAS Extension. University of Florida. 2014. pp-3-4.

оққанот популяцияси миқдорини бошқаришдаги ролини исботлаш, биологик самарадорлиги аниқлаш борасидаги илмий-тадқиқот ишлари долзарб бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 мартдаги 148-сон «Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати тузилмасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оққанот турлари ва систематик таҳлили бўйича хорижий олимлардан P.J.De Barro, Liu, S.S.L.M.Boykin, уларга қарши кураш чоралари бўйича А.К. Azab, М.М. Megahed, Н.Д. El Mirsawi бошқалар тадқиқотлар олиб боришган. МДХ мамлакатлари бўйича оққанот экологиясига оид ишларни С.Н. Мярцева, Г.И. Сухарученко, М.А.Кравченко тадқиқотларида кўриш мумкин. Республикамизда оққанот турлари, биологик хусусиятлари, энтомофаглари ва экин турлари бўйича ихтисослиги, оққанот бўйича очик ва ёпиқ шароит тадқиқотлар Ш.Т.Ходжаев, Б.А.Сулаймонов, Х.Х.Кимсанбоев, М.И.Рашидов, Е.Ш.Торениязов, А.Ю.Кутлымуродов, А.К.Кадыров, А.К.Ахатовлар тадқиқот ишлари олиб боришган.

Бироқ юқоридаги тадқиқот ишлари турли оққанот (Aleyrodidae) турларининг биоэкологияси, популяциялари хилма хиллиги ва агробиоценозда хўжайин-энтомофаг муносабатларининг шаклланиши, энтомофаг турларининг систематик таҳлили, энтомофаглари кўпайтириш ва қўллаш бўйича тўлиқ маълумотларни бера олмайди. Шунга боис, юқоридаги муаммоларга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлар олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-10-109-IV «Иссиқхоналарда сабзавот экинлари зараркунандаларига қарши атроф муҳит учун безарар бўлган биологик кураш усуллари излаб топиш асосида экологик соф муҳсулот етиштириш технологиясини такомиллаштириш» (2009-2011 йй.), КФ5-002 «Ўсимлик зараркунандалари паразитлари ва уларнинг биоценоздаги ривожланиш назарияси» (2012-2016 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар

доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади биоценозда оққанот турларининг популяцияси, тарқалиши ва хўжайин-энтомофаг муносабатларининг шаклланиш жараёни, оққанотнинг энтомофаг тур таркиби, уларнинг миқдорини бошқаришда биологик кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

агробиоценозда учрайдиган оққанот турлари, биоэкологияси, тарқалиш ареали, оққанотнинг экин турлари бўйича фитофаглик хусусиятлари, ривожланиши, турли популяцияларининг фарқланишини аниқлаш;

оққанотнинг биоценоз ва агробиоценоздаги ривожланишига таъсир этувчи омиллар, энтомофаглар турларини систематик таҳлил этиш, биологик хусусиятлари ва хўжайин турларига нисбатан ихтисослашганлигини аниқлаш;

оққанотнинг самарали энтомофаг турларини интродукциялаш, кўпайтириш технологияси ва қўллаш сарф меъёрларини аниқлаш ва ишлаб чиқиш;

оққанотнинг агробиоценоз ва биоценоздаги ривожланишида турли агротехник тадбирлар ҳамда пестицидларнинг таъсирини аниқлаш;

йиртқич ва паразит энтомофагларни агробиоценоздаги оққанот турларига қарши қўллашда очик ва ёпиқ шароитда самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент ва Сирдарё вилоятлари сабзавот ва полиз экин майдонлари, оққанот турлари, оққанотнинг энтомофаг турлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети оққанотнинг ривожланиш хусусиятлари, энтомофаглар биологияси ва ривожланиши, қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш технологияси ҳамда уларни заракунандалардан ҳимоялаш чора-тадбирлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда энтомологик, биологик, математик, статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор оққанот турларининг (*Trialeurodes vaporariorum* Westw, *Bemisia tabaci* Gennadius) биологик хусусиятлари экин турлари бўйича популяцияларининг фарқланиши аниқланган;

оққанот турлари учун самарали йиртқич ва паразит энтомофаг турларининг тур таркиби систематик жиҳатдан аниқланган;

биоценозда энтомофаг-хўжайин муносабатларининг шаклланиши, уларнинг популяцияси зичлигининг ўзгаришида ташқи омилларнинг таъсири исботланган;

республикамизда оққанот миқдорини бошқариш мақсадида йиртқич каналарнинг *Amblyseius swirskii* Ath. турлари интродукция қилинган, уларни кўпайтириш ва қўллаш услублари яратилган;

оққанотга қарши энтомофагларни қўллашда биологик кўрсаткичлари асосланган ва оққанотнинг пестицидларга нисбатан чидамлилиқ даражаси исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оққанот турларига қарши паразит энтомофаглари ва улардан турли

агробиоценозларда зараркунанда микдорини бошқаришда фойдаланиш ҳамда биологик самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқаришга жорий этилган;

оққанот турларига қарши ишлаб чиқилган уйғунлашган чора-тадбирлари ва шу асосда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш йўллари қишлоқ хўжалиги амалиётида фойдаланилган;

оққанот турларининг турли популяцияларда тарқалиши, экологияси ва зарарлаши бўйича маълумотлар асосида карантин оққанот турларини тарқалишини чеклаш, микдорини камайтириш ва сонини бошқариш йўллари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бир неча йиллик лаборатория ва дала тажрибаларини ўсимликларни химоя қириш ва энтомология бўйича умумқабул қилинган ва замонавий услублар асосида олиб борилганлиги, илмий натижаларни ҳар йили махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳолангани, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда chop этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал ва инновация лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, диссертация тадқиқоти амалий натижаларини ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти агробиоценозида учрайдиган оққанот турлари ва улар энтомофаглариининг тур таркибини аниқланганлиги, оққанот турли популяциялардаги паразит-хўжайин муносабатларининг очиб берилганлиги, паразит-энтомофаглар биологик самарадорлигининг исботланганлиги, оққанот микдорини бошқаришда илмий асосланган усул ва меъёрларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларни республикамизнинг турли ҳудудларида оққанотнинг агробиоценозлардаги популяция микдорини бошқаришда фойдаланилиши, зараркунандага қарши уйғунлашган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва улар самарадорлигини оширига хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оққанот (Aleyrodidae) биоэкологияси ва биоценозда хўжайин-энтомофаг мувозанатининг шаклланиши бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

оққанот турларига қарши энтомофаглардан энкарзия, йиртқич каналар, макролофус турлари агробиоценозларда зараркунанда микдорини бошқариш усуллари ишлаб чиқаришга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 27 октябрдаги 02/20-5387-сон маълумотномаси). Натижада оққанот турларига нисбатан паразит-энтомофагнинг биологик самарадорлиги 70,6-83,0 фоизни ташкил этган;

оққанотнинг карантин турларининг турли популяцияларда тарқалиши, экологияси ва экинларни зарарлаш даражалари бўйича маълумотлар ўсимликлар карантини соҳасига жорий этилган (Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг 2017 йил 16 октябрдаги 50-04-792^a-сон маълумотномаси).

Бунинг натижасида карантин объект ҳисобланган цитрус оққанотини тарқалишини чеклаш ва цитрус экинлар агроценозини зарарлашини 65-70 фоизга камайтириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган, шунингдек 2 та ўқув қўлланма чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 6 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда предмет ва объектлари тавсифланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оққанот (Aleyrodidae) турларининг ўрганилганлиги, агро ва биоценозда популяцияси микдорини бошқариш чоралари**» деб номланган биринчи бобида сабзавотчиликнинг асосий зараркунанда турлари, оққанотнинг етакчи олимлар томонидан ўрганилганлиги, оққанот турлари, биологик хусусиятлари, уларнинг энтомофаг турлари, улар микдорини бошқаришда тадқиқ этилган усуллар, экин турлари бўйича зарари ва унинг оқибатлари баён этилган.

Дунёда етиштирилаётган кишлоқ хўжалиги экинлари бўйича оққанот турларининг ривожланиши, уларнинг экин турлари бўйича зарари, уларнинг олдини олиш чора тадбирлари, оққанот микдорини бошқаришда бугунги кунда қўлланилаётган воситалар, оққанотнинг очик ва ёпиқ шароитларда ривожланишида унга таъсир этувчи омиллар, кураш чоралари ва воситаларга нисбатан чидамлилиқ даражаси, энтомофаг турлари бўйича олимларнинг тадқиқот ишлари ва уларнинг ўзаро таққосланиши бўйича шарҳлар келтирилган. Оққанот турларининг агробиоценозда ривожланиб, экин турлари бўйича зарарининг ортиши, бошқа экин турларига нисбатан мослашувчанлиги, биоценозда улар кушанда турларининг нисбатлари бўйича фаоллигининг пастлиги, мавсумда зараркунанда микдорини бошқариш мақсадида катта иш кучи ва кимёвий воситаларнинг қўлланилиши, зараркунанда микдорини

бошқаришнинг экологик хавфсиз чораларини яратиш зарурати мавзунинг тадқиқ қилиниш долзарблигини кўрсатади.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ҳудудининг агроиқлимий тавсифи, тадқиқот материаллари ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида Тошкент ва Сирдарё вилоятларининг ҳудудларининг тупроқ, иқлим шароитлари, шунингдек, тадқиқот олиб борилган ҳудудлардаги сабзавот экинлари, оққанотлар тур таркиби тўғрисида қисқача тавсиф келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида сабзавот экинлари майдони, оққанот ва энтомофаг турлари, уларнинг биологик хусусиятлари, экинлар ҳосилдорлиги, шунингдек, зарарланишга чидамлилиги даражаси ҳисобланди. Тадқиқот предмети сифатида сабзавот экинларига зарар келтирувчи оққанот турларининг, ривожланиши (тур таркиби ва тарқалиши, зарарлилиги, ривожланиш хусусиятлари ва б.), шунингдек, зараркунанда миқдорини бошқаришда йиртқич ва паразит энтомофаг турларини қўллаш таркиби сифатида йиртқич каналарни интродукциялаш, кўпайтириш қўллаш усуллари кўзда тутилди. Диссертация ишида муоммаларни бартараф этиш чоралари энтомология ва ўсимликларни ҳимоя қилишда умумқабул қилинган услублар ва лаборатория-дала тажрибаларидан фойдаланган ҳолда бажарилди. Энтомофагларнинг биологик самарадорлигини ҳашаротларнинг битта баргдаги ўртача сонини ҳисоблаш, хўжалик самарадорлиги тажриба ўтказилган жойларда сабзавот экинлари ҳосилни ўлчаб кўриш йўли билан аниқланди. Олинган натижаларга Б.А.Доспехов (1985) ва Г.Ф.Лакин (1990) услублари ёрдамида математик ва статистик ишлов берилди. Алоҳида ҳолатларда “ўртача хатоликни” ҳисобга олувчи касрий усул қўлланилди.

Диссертациянинг **«Оққанот (Aleyrodidae) турларининг популяцияси шаклланиши ва уларнинг ўсимлик турлари бўйича ривожланиш хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида Тошкент ва Сирдарё вилоятлари шароитида мамлакатимиз Тошкент ва Сирдарё вилоятлари иқлим шароитида оққанот популяцияларининг шаклланишида унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида тадқиқот олиб борилди.


Унга кўра битта баргдаги зараркунанданинг етук зотлари ҳисобга олинди, унга кўра июн ойида ўртача битта баргда 14,3 донани ташкил этди. Ҳаво ҳарорати ўртача 30,4°C ва нисбий ҳаво намлиги 42% ни ташкил этди. Кейинги ойда ўртача кўрсаткичлар ҳам рўйхатга олиниб, июль ойида битта баргда оққанот имаголари сони 22,6 донани ташкил этди. Бу даврда ҳаво ҳарорати ўртача 32,2°C, нисбий ҳаво намлиги ўртача 38% ни ташкил этди. Кейинги, август ойида битта баргдаги имаголар миқдори 46,8 донга бўлганда ҳаво ҳарорати ўртача 30,8°C, нисбий ҳаво намлиги 44% ни ташкил этди.

Сентябр ойида зараркунанда миқдори мўтадил бўлди ва имаголар сони битта баргда ўртача 42,7 донга бўлиб, битта баргда тухумлар сони ўртача 14,6 донга, личинкалар сони 34,4 донга ва ғумбаклар сони 26,3 донани ташкил этди.

Октябр ойида зараркунандалар тухумлари ва личинкалар миқдори ҳам камайди ва имаголар миқдори ўртача битта баргда 19,2 донга ҳисобга олинди. Бу даврда 26,6°C ҳаво ҳарорати ва нисбий ҳаво намлиги 62% ни ташкил этди. Ноябрь ойида ҳам кузатувлар ўтказилди ва бу даврда оққанот популяциясининг

катта қисми мажбурий қишлоғга кетишга тайёргарлик кўришини инобатга олганда, ҳаво ҳарорати кечаси 11,2°C гача бўлди.

Сирдарё вилоятида ўтказилган тадқиқотда ғўза оққанотнинг ривожланишига кўра ғўзада сушт ривожланди. Натижаларга кўра июн ойида зараркунанда битта баргда ой давомида ўртача 9,2 донани ташкил этиб, ҳаво ҳарорати 33,5°C нисбий ҳаво намлиги 3% ни кўрсатди, кейинги ойда уларнинг ривожланиши бир оз жадаллашди ва битта баргдаги оққанот имаголари сони 17,5 донани ташкил этди. Бу даврда ўртача ҳаво ҳарорати 34,7°C, нисбий ҳаво намлиги 38% ни ташкил этди. Август ойида битта баргда 24,7 дона, ҳаво ҳарорати 30,3, нисбий ҳаво намлиги 34% ни ташкил этди (1-расм).




**1-расм. Ғўза оққаноти полпуляциясининг ривожланиш динамикаси
(Тошкент вилояти, 2015-2016 йй.)**

Иссиқхона оққанотнинг экин турлари бўйича ривожланиши бўйича тадқиқотларда сабзавот ва полиз экинлари тадқиқот ҳудудларда нисбий ҳаво намлиги ва ҳаво ҳарорати ҳар куни назорат қилиб борилди. Тадқиқотларда кечаси ҳаво ҳароратининг ўртача 26°C бўлиши кузатилган даврда турли экин турларида оққанот авлодларининг ривожланиши турлича бўлди. Сирдарё вилояти шароитида ўртача ҳаво ҳарорати 33,6°C, нисбий ҳаво намлиги 42% бўлди. Бунда иссиқхона оққаноти билан зарарлантирилган экин турлари мавсум бўйича назорат қилиниб борилди. Бунга кўра мавсумдаги энг кўп бўлган даври ҳисобга олинди. Тадқиқот ва кузатувларга кўра очик майдондаги экинлардан бодринг экинида битта баргдаги зараркунанда сони ўртача 62,2 дона, қовун экинида нисбатан энг кўп 76,4 дона, қовоқ экинида 66,3 дона, тарвузда 44,3 дона, помидор экинида 42,7 дона, бақлажон экинида эса 63,1 дона, ширин қалампир да эса 36,6 дона, каромда 53,6 дона ва сабзи экининг бир дона баргида ўртача 28,5 донагача кўпайди. Тошкент популяциясида бодринг экинида ўртача 76,5 дона, тарвузда 52,4 дона, помидор экинида 48,3 дона, бақлажон экинида эса 72,1 дона, ширин қалампирда эса 51,6 дона, каромда 42,7 дона ва сабзи экининг бир дона баргида ўртача 33,8 донагача кўпайди. Бу ўзаро фарқлар иқлим шароитлари ва айниқса нисбий ҳаво

намлигининг фарқланишида кузатиш мумкин(2-расм).

Пуштдорлик даражаси тадқиқ этилганда иссиқхона оққанотнинг помидор экинида пуштдорлик даражаси ҳаво ҳарорати паст бўлганда яъни +14°Cда энг кўпи 57,6 донагача бўлди. Кейинги ҳаво ҳарорати +18°C да 80% нисбий ҳаво намлигида пуштдорлик энг юқори пуштдорлик кузатилиб, ўртача битта оққанотга нисбатан 86,3 донани кўрсатди.



2-расм. Тошкент вилояти шароитида иссиқхона оққанотининг экин турлари бўйича ривожланиши


(ўртача ҳаво ҳарорати 31,8°C, нисбий ҳаво намлиги 54%)

Иссиқхона оққанотининг Сирдарё ва Тошкент вилояти популяциялари ўзаро таққосланганда уларнинг фарқи катта бўлмади, аммо фақатгина очик ва ёпиқ шароитдаги авлодлари фарқланди. Биринчи вариантда очик шароитдаги Тошкент популяциясини урғочилари пуштдорлиги ўртача 277,1 дона, яшовчанлиги 12,6 кун, жинслар нисбати 1:8 (эркак:урғочи), экинни зарарлаш даражаси 32,6% бўлди. Кейинги вариантимида Сирдарё вилояти популяциясида урғочи зотларнинг пуштдорлиги 264,2 дона, яшовчанлиги 11,4 кун, жинслар нисбати 1:9 ни ташкил этди.

Диссертациянинг «Биоценозда оққанотнинг энтомофаг турлари ва хўжайин-энтомофаг муносабатининг шаклланиши» деб номланган тўртинчи бобида энкарзия паразит *Encarsia partenopea*, *Encarsia formosa* турларининг биологик хусусиятларини ўрганиш ва уларни агробиоценозда ривожланиши ва паразит-хўжайин муносабатларини тадқиқ этиш мақсадида тадқиқотлар ўтказилган.

Ушбу тадқиқотда ҳаво ҳарорати ва нисбий ҳаво намлиги назорат қилиб борилди. Чунки энкарзиянинг ҳаво ҳароратига нисбатан таъсирчанлиги юқори ҳисобланади. Тажрибада қўйилган *Encarsia formosa* тури иссиқхона оққаноти билан ўзаро паразит-хўжайин муносабатларининг шаклланиши тадқиқ этилди. Ушбу тадқиқотда оққанот ривожланиши учун ўртача ҳаво ҳарорати (+28°C) ва нисбий ҳаво намлиги (65%) ўрганиб борилди. Мавсумда асосан оққанотнинг

популяция миқдори маълум даражага етиб, борганда тадқиқотлар олиб борилди. Тажрибада ҳаво ҳарорати май ойида ўртача +26°C ни ташкил этди. Бу даврда энкарзиянинг кўпайиши жадаллашди ва битта баргда ўртача личинка 12,6 донa, ғумбаги 12,3 донани ташкил этди. Етук зот энкарзиялар миқдори эса, ўртача 15,4 донани кўрсатди (3-расм).



3-расм. *Encarsia formosa* турининг *Trialeurodes vaporariorum* турида ривожланиш даражаси (дала тажрибалари, 2010-2011йй.)

Encarsia partenopea турининг ривожланиши ҳам кузатилиб борилди. Иссиқхона оққанотининг битта баргдаги ўртача миқдори 23,2 донa нимфа шаклланганда 1:10 нисбатда *Encarsia partenopea* турининг етук зотлари чиқарилди. Натижаларга кўра паразитнинг ривожланиши битта баргда май ойида имаголарининг сони 13,4 донa бўлди. Ҳаво ҳарорати ва нисбий ҳаво намлиги юқорида келтирилган шароитларга мувофиқ келади.

Июн ойида паразитнинг ривожланиши имаголари миқдори камайди ва 10,3 донa бўлиб, бунда паразит ғумбаклик даври ўзининг ривожланиши даражасини сақлаб қолди ва 14,3 донaгача учради. Июл ойида ҳаво ҳарорати кескин ортиб, нисбий ҳаво намлиги ҳам камайди. Бу даврда личинкалар миқдори 17,5 донa, ғумбаклар сони 22,4 донa бўлди ва имаголар миқдори 9,8 донани ташкил этди.

Агробиоценозда учровчи оққанотнинг асосий паразит- йиртқич-хўжайин тур таркиби ва уларнинг озика ихтисослиги аниқланди. Тадқиқот натижаларига кўра оққанот зараркунандаларининг энтомофаг турларидан 7 та оилага мансуб 27 турга мансуб йиртқич ва паразит энтомофаг турлари аниқланди. Унга кўра булар *Neuroptera*, *Aphelinidae*, *Syrphidae*, *Coccinellidae*, *Anthocoridae*, *Nabidae*, *Miridae* оилаларининг вакиллари учраши қайд қилинди.


Тадқиқотларга кўра нисбатан кўп учраган *Chrysopidae* оила вакиллари ўртача 32,6 % ни ташкил этиб популяция зичлиги юқори бўлди, *Coccinellidae* 16,2 % эканлиги маълум бўлиб, ушбу оилада етти нуқтали хон қизи тури нисбатан кўп учради. *Miridae* оила вакиллари энтомофаглар бўйича 14,4 % ни ташкил этди, *Aphelinidae* ушбу оила вакиллари ўртача 24,3 % ни ташкил этиб, нисбатан кўп учраган тур энкарзия формоза эканлиги маълум бўлди, йиртқич

каналарнинг *Phytoseiidae* оила вакили эса бошқа турларга нисбатан кам сонни ташкил этиб 14,8% эканлиги аниқланди. Ушбу учраган турлардан ташқари бошқа турдаги энтомофаглар ҳам учради аммо уларнинг аксарияти ҳаммахўр эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Агробιοценозда оққанот турлари миқдорини бошқаришда энтомофаг турларининг самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида энтомофаг турларини оққанот миқдорини бошқаришда қўллаш бўйича тадқиқотлар ўтказилган.

Тажриба натижаларига кўра 3-кунда паразит қўйилган далаларда ҳеч қандай самарадорлик кузатилмади, аммо Апплоуд 25% н.кук. қўлланилган майдонда 81,6% биологик самарадорлик кўрсатди. Паразит қўйиб юборилгандан сўнг бир ҳафтадан кейин паразит колониялар ҳосил бўлгач самарадорлик паразит-оққанот нисбатлари 1:10 бўлганда биологик самарадорлик 19,3% ни ташкил этди, 14-куни зараркунандалар миқдори янада камайиб биологик самарадорлик 53,9%, 21-кун эса оққанотга нисбатан биологик самарадорлик 82,1% ва 28-кунда эса 90,3% биологик самарадорликка эришилиб, мавсум сўнгига қадар паразит энтомофаглар оққанот миқдорини самарали бошқариб турди.

Кейинги вариантимизда оққанотни 1:20 нисбатларда қўлланилганда 7-кун биологик самарадорлик 12,5%, 14-кун биологик самарадорлик 40,8% бўлиб, бунда ҳам оққанотлар миқдори камайиб борди. 21-кун биологик самарадорлик 77,2% ни ташкил этди. 28-куни оққанотга қарши паразитнинг биологик самарадорлиги 81,6% ни ташкил этиб, мавсум сўнгига қадар оққанотни миқдорини бошқариб турди. Кейинги вариантимизда паразит хўжайин муносабатларини 1:30 нисбатда қўлланилганда юқоридаги вариантларга нисбатан биологик самарадорлик бир оз паст бўлди.



4-расм. Макролофуснинг иссиқхона оққаноти миқдорини бошқаришдаги биологик самарадорлиги

(ТошДАУ кичик тажриба хўжалиги, 2014-2015 йй)


Оққанотга нисбатан 1:5, 1:10, 1:20 нисбатларда макролофус имаголари қўлланилганда 3-кундан сўнг амалга оширилиб, сўнг 7-кун, 14-кун ва 21-

кунларда ўтказилди. Унга кўра натижаларнинг 3-куни 1:20 (макролофус: окқанот) нисбатда 32,4% биологик самарадорликка эришилди. Шу кунда бошқа вариантларда яъни 1:30 ва 1:40 нисбатларда 28,5 ва 22,3% биологик самарадорликка эришилган. Кейинги тажрибаларда яъни 7-кун, 14-кун ва 21-кунлар биологик кўрсаткичлар ошиб борди. Лекин 1:30 ва 1:40 нисбатларда қўлланилган вариантларда биологик самарадорлик 21-кунга бориб, 64,3-54,2 % бўлди ва ундан юқори бўлмади. Бу жараёнларда ушбу нисбатлар окқанот миқдорини бошқара олмади ва окқанот ўзининг популяция зичлигини ошириб борди(4-расм).

Окқанот миқдорини бошқаришда интродукцияланган йиртқич каналар бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилди ва *Amblyseius swirskii* қўлланилган вариантда эса энг юқори биологик самарадорлик 1:10 нисбатда биологик самарадорлик 86,9% бўлиб, фитофаглар миқдори кескин камайган. Кейинги нисбатларда ҳам яъний 1:20, 1:30, 1:40 нисбатларда 22-кунга бориб, окқанот популяция зичлиги 79,1; 70,5 ва 63,4% га қисқаргани маълум бўлди.

Йиртқич каналарни кўпайтиришни янада такомиллаштириш учун биз биолабораториялардан чиқадиган чиқиндилардан фойдаландик. Махсус хоналар ҳаво ҳарорати бир нечта адабиёт манбаларига асосан ҳаво ҳарорати 25-27°C, нисбий ҳаво намлиги 80-85% қилиб белгиланди. Дастлаб чиқиндилар диаметри 15-20 мм бўлган элаклардан ўтказилиб, махсус баландилиги 45см, эни ва бўйи 1,5 м бўлган темир яшикларларга қалинлиги 25-30 см қилиб солинди. Ун кананинг кенг тарқалган *Acarus farris* Oud турида кўпайтирилди.

Юқоридаги шароитда икки ҳафтадан сўнг каналар кўпайиб, 1см³ да ўртача 5-10 дона бўлганда, йиртқич кана *Amblyseius swirskii* туридан 4-5 дона кўйиб юборилди. Назорат 7-кунда амалга оширилиб 1 см³ даги йиртқич каналар ҳисоб қилиб борилди. Унга кўра тухуми, нимфалар ва имаголари ҳисобланди. Кузатувлар 36 кунгача олиб борилди, шундан сўнг улар маълум даражада кўпайиб хўжайинга нисбатан 1:27,2 дона ҳисобида тўғри келди. Бу ҳолатда каналарни озикаси билан бирга иссиқхонага турли нисбатларда тарқатиб чиқиш мумкин.



5-расм. *Amblyseius swirskii* Ath турини кўпайтиришда популяциясининг шаклланиши

Тадқиқотларга кўра ушбу турнинг ривожланиши ун кана билан юқоридаги шароитида популяция ҳосил қилиш жадал ривожланиши 14-кун кузатилди. 36 кун давомида тухумлар ва нимфаларнинг кўплиги кузатилди ва тухумлар 4,3 донадан 12,5 донагача кузатилди (5-расм).

Бунда кўриниб турибдики оққанотга нисбатан *Amblyseius swirskii* тури юқори самарадор бўлиб, 1:10 бўлган нисбатда қўллаш улар популяциясини самарали бошқарди. *Phytoseiulus persimilis* тури оққанот микдорини бошқаришда самараси *Amblyseius swirskii* турига нисбатан пастлиги кузатилди.

Диссертациянинг «Агробиоценозда оққанотнинг популяцияси бошқаришда пестицидларнинг таъсири» деб номланган олтинчи бобида сабзаёт агробиоценозида оққанот микдорини бошқаришда қўлланилувчи кимёвий воситалар ва уларнинг самарадорлиги, кимёвий воситаларга нисбатан оққанот турларининг чидамлилиқ даражаси тадқиқ этилган. Оққанот микдорини бошқаришда Профенофос 400 г/л + Циперметрин 40 г/л к.э. қўлланилган оққанот микдорини бошқаришда биологик самарадорлик аниқланган.

Натижаларга кўра инсектицид қўлланилгандан сўнг 1-кун 89,2%, 3-кунда 90,6%, 7-кунда 91,7% 14-кунда 89,8 ва 21-кунда эса биологик самарадорлик пасайиб борганлиги кузатилиб, 76,3% ни ташкил этди. Эталон вариантимида яъни Десиц 10% к.э. қўлланилган 1 кундан сўнг 89,1 %, 3-кунда 90,5%, 7-кунда 90,9 %, 14-кунда 89,0% ва 21 –кунда эса ушбу вариантимида ҳам биологик самарадорлик бир оз пасайиб 76,3 % ташкил этди.

Назорат яъни ҳеч қандай ишлов берилмаган вариантда зараркунандалар микдори ортиб бориб 21-кунга келиб оққанот имаголарининг сони ўртача 67,1 донани ташкил этди (1-жадвал).

Бунда кимёвий воситанинг самарадорлиги 14-кундан тушиб бориши кузатилиб, зараркунанда популяцияси қайта тикланиши кузатилди.

1-жадвал.

Вўзада ғўза оққанотига қарши Профенофос 400 г/л + Циперметрин 40 г/л КЭ препаратининг биологик самарадорлиги (2015- 2016 йй.)

№	Тажриба вариантлари	Сарф меъёри, л/га	Битта баргдаги оққанотларнинг ўртача микдори, дона					
			ишловга қадар	ишловдан сўнг, кунлар				
				1	3	7	14	21
1.	Профенофос 400 г/л + Циперметрин 40 г/л к.э.	0,1	34,2	5,1	5,2	5,2	6,4	15,3
2.	Децис 10% к.э. (эталон)	0,2	35,1	5,3	5,4	6,0	7,1	15,7
3.	Назорат (ишловсиз)	-	35,6	49,1	57,6	63,2	65,3	67,1
Биологик самарадорлик, %								
1.	Профенофос 400 г/л + Циперметрин 40 г/л к.э.	0,1	34,2	89,2	90,6	91,7	89,8	76,3
2.	Децис 10% к.э. (эталон)	0,2	35,1	89,1	90,5	90,9	89,0	76,3
3.	Назорат (ишловсиз)	-	35,6	-	-	-	-	-

Оққанотнинг пестицидларга нисбатан чидамлилигини ўрганиш мақсадида ўтказилган кузатувларда оққанотнинг Тошкент ва Сирдарё вилоятлари популяциялари ўзаро таққосланди. Тажрибаларда Давлат Комиссияси томонидан оққанотга қарши қўллаш учун рухсат этилган пестицидлар танлаб олинган. Булардан, Моспиан 20% н.к.к. (acetamiprid) 0,3 л/га, Децис 10% э.к. (deltamethrin) 0,1 л/га, Ботон э.к. 100 г/л (бифентрин-bifenthrin), Химфокс 40 % э.к. (supermethrin) 0,6 л/га, Имитрин 20 % э.к. (imidacloprid+bifenthrin) 0,4 л/га, Энджео 24,7% сус.к. (lambda-cyhalothrin+thiametoxam) 0,1 л/га, Калипсо 48% сус.к. (thiacloprid) 0,1 л/га, Каратэ Зеон 5% сус.к. (lambda-cyhalothrin) 0,5 л/га препаратлари танлаб олинди.

Тошкент популяциясининг ривожланишида зарарсиз даражага олиб келишда энг кўп қўлланилган кимёвий восита Моспиан, Химфокс ва Каратэ препаратлари ҳисобланди ва 12 мартагача кимёвий воситалар қўлланилди. Ўрта даражада таъсирчанлик ҳосил қилган Ботон, Энжео препаратлари ҳисобланди ва 7-8 мартагача кимёвий ишлов ўтказилди. Нисбатан кам 4-6 марта ишлов ўтказилиб, популяция миқдорини самарали бошқарган кимёвий воситалар Калипсо ва Имитрин препаратлари ҳисобланди. Оққанотнинг тухумлари ва нимфалари нисбатан кимёвий воситаларга чидамлилиги юқорилиги кузатилди.

Сирдарё популяциясидан йиғилган намуналарнинг кимёвий воситаларга нисбатан таъсирчанлиги ўрганилди. Унга кўра қўлланилган кимёвий воситаларга нисбатан оққанот зотларининг чидамлилиги энг юқори бўлган препаратлар Моспиан, Каратэ, Химфокс препаратлари кузатилди. Ўртача чидамлиликка эга препаратлар Ботон ва Калипсо препаратлари эканлиги ўрганилди.

Иссиқхона оққанотининг Сирдарё вилоятидан йиғилган популяциялари ривожланиш босқичлари нисбатан кам чидамли бўлиб, уларнинг бодрингдаги популяция миқдорини бошқаришда иқтисодий ҳавфсиз даражага олиб келишда кимёвий препаратларни қўллашдаги сони Тошкент популяциясига нисбатан кам бўлди.

ХУЛОСАЛАР

«Оққанот (Aleyrodidae) биоэкологияси ва биоценозда хўжайин-энтомофаг муносабатларининг шаклланиши» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ёўза оққанотининг Сирдарё ва Тошкент вилоятлари популяциялари динамик ривожланишини ўзаро фарқ қилиши аниқланди. Тошкент шароитида зараркунанданинг энг кўп популяция ҳосил қилган даври август ойида - ҳаво ҳарорати ўртача 30,8°C, нисбий ҳаво намлиги 44% бўлганда (баргдаги имаголар миқдори 46,8 та) кузатилади. Сирдарё шароитида эса сентябр ойида ҳаво ўртача ҳарорати 26,4°C, нисбий ҳаво намлиги 44% бўлганда оққанотнинг баргдаги имаголар миқдори 28,6 донани ташкил этди.

2. Оққанотни экин турлари бўйича ривожланиши ўзаро фарқланади, Сирдарё шароитида оққанот миқдори энг кўп бўлган экинлар қовун, қовоқ ва бодринглар ҳисобланади. Улар баргидаги зараркунанданинг миқдори тегишли равишда 76,4-66,3-62,2 донани ташкил этди.

3. Оққанотнинг пушторлиги бевосита ҳаво ҳарорати ва нисбий ҳаво намлигига боғлиқдир. Оққанот пушторлиги учун 28°C ҳаво ҳарорати ва 60% нисбий ҳаво намлиги қулай бўлиб, бунда бир урғочи зот ўртача 270,2 дон тухум қўйиши аниқланди.

4. *Trialeurodes vaporariorum* нинг очиқ шаротидаги Сирдарё ва Тошкент популяциялари ўртасида ўзаро катта тафовутлар сезилмайди. Ёпиқ шароитдаги авлодлари очиқдагиларга нисбатан биологик кўрсаткичлари паст бўлиб, пушторлиги 20% га, яшовчанлиги 3-4 кун, урғочи жинслар ўртача 4 донга фарқланади.

5. *Encarsia formosa* нинг иссиқхона оққаноти билан ўзаро паразит-хўжайин муносабатида энг кўп популяция ҳосил қилган давр август ойида кузатилади. Бунда ўртача битта баргда личинкалар 31,5, ғумбаклар, 21,5, етук зотлар 17,1 донани ташкил этади. *Encarsia partenopea* да эса имаголар энг кўп сони 20,2 донгача бўлади.

6. Оққанот зараркундаларнинг энтомофаг турларидан 7 та оилага мансуб 27 турга мансуб йиртқич ва паразит энтомофаг турлари аниқланди. Унга кўра булар *Neuroptera*, *Aphelinidae*, *Syrphidae*, *Coccinellidae*, *Anthocoridae*, *Nabidae*, *Miridae* оилаларининг турлари учраши қайд қилинди.

7. Помидор агробиоценозидаги иссиқхона оққанотининг энтомофаг турлари миқдорлари аниқланди. *Chrysopidae* оила вакиллари энтомофагларнинг 32,6% ни ташкил этади ва популяция зичлиги юқори бўлади. *Coccinellidae* улуши 16,2% бўлиб, ушбу оилада етти нуқтали хон қизи тури нисбатан кўп учрайди. *Miridae* оила вакиллари улуши 14,4% ни ташкил этади. *Aphelinidae* оила вакиллари улуши 24,3% бўлиб, бу оилада нисбатан кўп учраган тур энкарзия формоза ҳисобланади. Йиртқич каналарнинг *Phytoseiidae* оила вакили эса бошқа турларга нисбатан кам сонни (14,8%) ташкил этди.

8. Иссиқхона оққанотига қарши етук зотдаги энкарзияни 1:10, 1:20 ва 1:30 нисбатларда қўлланилганда, биологик самарадорлик 21-28 кунга бориб, тегишли равишда 72,0-74,3% ни ташкил этди.

9. Иссиқхона оққанотга нисбатан макролофус имаголари 1:20 нисбатда қўлланилганда 21-куни биологик самарадорлик 78,5% бўлди. Бу ҳолат, 1:30 ва 1:40 нисбатларда тегишли равишда 64,3-54,2% га эга.

10. Йиртқич кана *Amblyseius swirskii* ни оққанот миқдорини бошқаришдаги энг юқори биологик самарадорлиги 1:10 нисбатда – 86,9% тенг бўлиб, бу нисбатда фитофаглар миқдори кескин камаяди. 1:20, 1:30, 1:40 нисбатларда 22-кунга бориб, оққанот популяцияси миқдори тегишли равишда 79,1; 70,5 ва 63,4% эга бўлади.

11. Ғўзадаги ғўза оққанотига қарши Профенофос 400 г/л + Циперметрин 40 г/л к.э. препарати зараркунандага қарши 0,1 л/га миқдорда қўлланилганда энг юқори самарадорлик 7-куни (91,7%) кузатилади.

12. Иссиқхона оққанотининг Тошкент популяцияси Моспилян, Химфокс ва Каратэ препаратларига нисбатан чидамли бўлиб, ўрта даражада таъсирчанлик ҳосил қилган препаратлари Батон ва Энжео ҳисобланади. Сирдарё популяциясининг энг юқори чидамлилиги Моспилян, Каратэ, Химфокс препаратларида, ўртача чидамлилиги Батон ва Калипсо препаратларида намоён бўлди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И АНДИЖАНСКОМ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

СУЛАЙМОНОВ ОТАБЕК АБДУШУКИРОВИЧ

**БЕЛОКРЫЛКИ (ALEYRODIDAE) БИОЭКОЛОГИЯ И ФОРМИРОВАНИЕ
ВЗАИМОТНОШЕНИЙ ХОЗЯИН-ЭНТОМОФАГ В БИОЦЕНОЗАХ**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/Qx73.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице по адресу www.agrar.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Кимсанбоев Хужамурод Хамракулович
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ходжаев Шамиль Турсунович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Бабабеков Каландар Бабабекович
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация:

**Научно-исследовательский институт
овоще-бахчевых культур и картофеля**

Защита диссертации состоится «23» ноября 2017 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz административном здании Ташкентского государственного аграрного университета, 2-этаж, в зале заседаний.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (внесено в реестр под номером №43574.) (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская дом 2. ТашГАУ ИРЦ корпус, 1-этаж. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60.

Автореферат диссертации разослан «10» ноября 2017 года.
(протокол реестра номер 12/2 «3» ноября 2017 года.)

Ш.Э.Намазов

Заместитель председателя научного совета по
присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор

Я.Х. Юлдашов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.с.х.н., доцент

М.М.Адиллов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике причиняю большой ущерб урожайности при выращивании бахчевых и плодовых культур разные вредители и насекомые, в том числе и белокрылки (Aleyrodidae), которые могут повредить до 65-70% урожая бахчевых и плодовых культур¹. В связи с этим, важное значение имеет определение биологической вредоносности сельскохозяйственных вредителей, предотвращение ущерба и разработка мер борьбы с ней.

В настоящее время акцент делается на проведении исследований по изучению биоэкологии вредителей овощных и бахчевых культур, которые играют решающую роль в устойчивом развитии аграрного сектора ведущих стран мира и продовольственной безопасности. В частности, для нашей республики почти для всех овощных и бахчевых культур являются вредоносными и широко распространенными тепличная белокрылка (*Trialeurodes vaporariorum* West.), хлопковая белокрылка (*Bemisia tabaci* Genn), цитрусовая белокрылка (*Dialeurodes citri* A.), которые имеют особое значение. Определение биологических и экологических особенностей различных агроценозов и видов природных энтомофагов позволит нам разработать меры борьбы с ними в нашей стране. Соответственно, для выявления роста, развития, экологических характеристик, биологического потенциала видов в разных популяциях и распространения агробиоценоза, для определения влияния биологической активности на рост и развитие овощных и бахчевых культур, основные виды и состав паразитов-энтомофагов и определения обоснования мест ограничения численности популяции хозяина, биологической эффективности и ее реализация имеют большое научное и практическое значение.

